



Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: info@xs.uz

2007 йил 24 июль, № 143 (4296)

Сешанба

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ 2007 — 2010 йилларда хусусийлаштириш жараёнларини янада чуқурлаштириш ва хорижий инвестицияларни фаол жалб қилиш чора-тадбирлари тўғрисида

Мухим стратегик тармоқлар корхоналарининг устав жамғармаларида давлат улушини кескин камайитириш, мамлакат иқтисодийтини ривожлантиришда хусусий мулкчиликнинг ролини ошириш, шунингдек, ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш учун тўғридан-тўғри хорижий инвестицияларни кенг жалб қилиш, шу асосда сифатли, рақобатбардош ва экспортбоп маҳсулот ишлаб чиқаришни кўпайтиришни таъминлаш мақсадида:

1. Куйидагилар тасдиқлансин:
 - давлат активлари очик савдоларда хусусий мулк сифатида тўлиқ сотиладиган корхона ва объектлар рўйхати, 1-иловага мувофиқ;
 - Давлат тендер комиссиясининг қарорига асосан давлат акциялари пакетлари, жумладан назорат пакетлари ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш, рақобатбардош ва экспортбоп маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича аниқ инвестиция мажбуриятларини олиш шарт билан очик савдоларда сотилиши лозим бўлган иқтисодийнинг етакчи тармоқлари акциядорлик жамиятларининг рўйхати, 2-иловага мувофиқ;
 - барча зарур муҳандислик коммуникацияларига эга, жойлаштирилмаган давлат активлари аниқ инвестиция лойиҳалари ва янги инвесторлар маблағлари ҳисобидан тўлиқ молиялаш мажбуриятларини олиш шарт билан бепул берилиши лозим бўлган фаолият кўрсатмаётган, самарасиз, шу жумладан қурилиши тугалланмаган корхона ва


объектлар рўйхати, 3-иловага мувофиқ.

Давлат тендер комиссиясига Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси иштирокида 1-иловага киритилган корхона ва объектларни хусусийлаштириш натижаларига қўра, инвесторлар томонидан аниқ инвестиция мажбуриятларини олиш шарт билан уларни бепул сотиш тўғрисида қарор қабул қилишга рухсат этилсин.

Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси вазирликлари, идоралари, хўжалик бошқаруви органлари, Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлари ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда бир ой муддатда 1-3-иловаларга киритилган корхоналар, объектлар ва бошқа давлат активларини баҳолаш, савдога қўйиш ва сотиш жадвалларини тасдиқлаш ҳамда уларнинг амалга оширилишини таъминласин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ой муддатда 1-2-иловаларга киритил-

(Давоми 2-бетда).



ШАҲРИСАБЗ ШАРБАТЛАРИ

“Шаҳрисабзгамаҳсулот” консерва заводи маҳсулотлари ички бозорда тобора харидоргир бўлиб бормоқда. Сабоби, бу ерда тайёрланаётган мева, полиз ва सबзавот шарбатлари, мурabbo, томат, тузланган бодиринг ва помидорлар ҳам сифатли, ҳам арзон. Бунга хом ашё туман фермер хўжаликлари томонидан етказиб берилганлиги тўғрисида эришилмоқда.

Корхонанинг замонавий жиҳозлари хориждан келтирилган бўлиб, улар ёрдамида йилга 2 минг тонна помидор ва бодиринг, 1,5 минг тонна узум, яна шушча миқдорда олма қайта ишланаётган.

— Хозирги пайтда олма ва узум шарбатларига талаб, айниқса, юқори, — дейди корхона раҳбари Баҳром Исмаилов. — Шунинг билан олган ҳолда, ишлаб чиқаришни кенгайтирмоқчимиз. Шу мақсадда қўшимча ус-

қуналар келтириш ҳаракатини бошлаб юбордик.

СУРАТДА: операторлар Нарғиза Тошева ва Сайёра Шарипова иш устида.

Ш.ШАРПОВ (ЎЗА) олган сурат.

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ Ўзбекистон Республикаси айрим қонун ҳужжатлари баъзи нормаларининг амал қилишини вақтинча тўхтатиб туриш тўғрисида

Қонунчилик палатаси томонидан 2007 йил 13 июнда қабул қилинган
Сенат томонидан 2007 йил 29 июнда маъқулланган

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2002 йил 12 декабрда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида»ги 434-II-сонли Конституциявий Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 йил, № 12, 215-модда; 2003 йил, № 5, 67-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 4, 163-модда) **15-моддаси** иккинчи ва **тўртинчи қисмларининг**, шунингдек Ўзбекистон Республикасининг 2003 йил 29 августда қабул қилинган «Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Регламенти тўғрисида»ги 522-II-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2003 йил, № 9-10, 136-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2007 йил, № 4, 163-модда) **7-моддасининг** иккинчи қисми ва **9-моддасининг** олтинчи қисмидаги Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосарларига тааллуқли нормаларнинг амал қилиши 2008 йил 1 январгача тўхтатиб турилсин.

2-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан қучга қиради.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти **И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2007 йил 23 июль
№ УРҚ — 105

АДОЛАТ ВА ИНСОНПАРВАРЛИК НАМУНАСИ

Пойтахтимизда Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий прокуратураси ва Республика Ҳарбий суди томонидан «Улим жазоси бекор қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги ва «Қамоққа олишга санкция бериш ҳуқуқи судларга ўтказилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонунларнинг мазмун-моҳияти ва уни амалиётда қўллаш тартибига бағишланган семинар ташкил этилди. Унда ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари — Ҳарбий прокуратура ва Ҳарбий суд масъул ходимлари ҳамда журналистлар иштирок этди.

Ўзбекистон Республикаси Бош прокурори ўринбосари — Республика Ҳарбий прокурори, адлия генерал-майори Шухрат Узоқов, Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий суди раиси, адлия подполковниги Савронбек Турсунов, Ўзбекистон Ҳарбий прокуратурасининг судларда прокурор ваколатини таъминлаш бўлими бошлиғи, адлия подполковниги Аслам Холиқов ва бошқалар мамлакатимизда Президентимиз Ислоҳ Каримов раҳнамолигида суд-ҳуқуқ тизмида амалга оширилаётган ислохлар, инсон манфаатларини ҳимоя қилиш борасидаги

кенг қўламли чора-тадбирлар ўз самарасини бераётганини алоҳида таъкидлади. Буни ушбу йўналишда қабул қилинаётган қонун ҳужжатлари ва уларнинг ижроси мисолида ҳам кўриш мумкин.

Қайд этилганидек, қонунчиликдаги улим жазоси билан боғлиқ жараён босқичма-босқич ислоҳ қилинди. Истиклолнинг илк йилларида жиноят қонунчилигида ўта оғир 33 жиноят учун улим жазоси назарда тутилган бўлса, ўтган давр мобайнида бундай моддалар сони мунтақисил қисқарти-

риб борилди ва 2003 йилгача бундай жазони назарда тулғучи фақат икки модда қолди.

Президентимиз Ислам Каримовнинг 2005 йил 1 августда қабул қилинган Фармонида бинасан 2008 йил 1 январдан бошлаб мамлакатимизда улим жазоси жисмоний жазо тури сифатида бўлган бекор қилинади ва унинг ўрнига умрбоқ ёки узок муддатли озодликдан маҳрум қилиш жазолари тайинланади.

Қонунчилигимизга давлатимиз раҳбарининг маъруз Фармонидан келиб чиқиб киритил-

ган ўзгартишларга асосан, Ўзбекистонда умрбоқ озодликдан маҳрум қилиш жазоси фақат икки турдаги жиноят — жазони оғирлаштирувчи ҳолатда қасддан одам ўлдириш ва терроризм учун тайинлашни мумкин. Бироқ, маъруз жазо хотин-қизлар, ун саккиз ёшга тулганча жиноят содир этганлар, олтимиш ёшдан ошган шахсларга ва тугалланмаган жиноятлар учун қўлланилмайди.

Давлатимиз раҳбарининг 2005 йил 8 августда эълон қилинган Фармонида асосан дастлабки тергов жараёнида қамоққа олиш эҳтиёт чорасини қўллашга санкция бериш ваколати судларга ўтказилиши жамиятимизда инсон манфаатла-

(Давоми 3-бетда).

Кирқиш чизиги

бошқа ҳужжатларга риоя этилишини, бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботларда маълумотларнинг тўлиқ ҳамда тўғри акс эттирилиши таъминлашнинг, хўжалик операцияларини амалга оширишнинг белгиланган қоидалари ва тартиб-таомилларига риоя этилишини, активларнинг сақлалишини, шунингдек жамиятнинг бошқариш юзасидан қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилишини текшириш ва бу борада мониторинг олиб бориш орқали жамиятнинг ижро этилуви органи, ваколатхоналари ва филиаллари ишини назорат қилади ҳамда баҳолайди.

Ички аудит хизмати ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган тартибга мувофиқ амалга оширади»;

6) **46-модда** куйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Устав фондидаги (устав капиталидаги) давлат улуши эллик фоиздан ортиқ бўлган жамиятларда аудиторлик текшируви ўтказиш учун аудиторлик ташкилотини танлаш Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкини бошқариш давлат қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан белгиланадиган рўйхат бўйича танлов асосида амалга оширилади»;

7) **47-модда** чиқариб ташлансин;

8) **48-модда биринчи қисмининг еттинчи хатбоши**си чиқариб ташлансин; **саккизинчи — ўнинчи хатбоши**лари тегишинча **еттинчи — тўққизинчи хатбоши**лар деб ҳисоблансин.

6-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан қучга қиради.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти **И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри,
2007 йил 23 июль
№ УРҚ — 104

8

Кирқиш чизиги

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

ЎЗБЕКISTON RESPUBLIKASINING ИҚTISODIЙ СОХАДАГИ АЙРИМ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИГА ЎЗГАРТИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ТЎҒРИСИДА

«Халқ сўзи» ва «Народное слово» газеталари 2007 йил

Буклаш чизиги

Кирқиш чизиги

қўшимчалар киритилсин:

1) **32-модда** куйидаги мазмундаги **иккинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Епиқ акциядорлик жамияти облигацияларни жойлаштиришга ҳақли эмас»;

2) **65-модданин биринчи қисми:** куйидаги мазмундаги **ўн тўртинчи хатбоши** билан тўлдирилсин:

«Жамият кузатув кенгашининг ўз ваколатига кирадиган масалаларга доир, шу жумладан жамиятнинг бошқариш юзасидан қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилишига доир ҳисоботларини эшитиш»;

ўн тўртинчи — ўн тўққизинчи хатбошилари тегишинча **ўн бешинчи — йигирманчи хатбоши**лар деб ҳисоблансин;

3) **74-моддасини учинчи қисмининг учинчи жумласи** куйидаги мазмундаги **жумлалар** билан алмаштирилсин:

«Жисмоний шахс номидан берилган овоз беришга доир ишончнома нотариал тасдиқланган бўлиши керак. Юридик шахс номидан берилган овоз беришга доир ишончнома қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда берилди»;

4) **82-модданин биринчи қисми:** куйидаги мазмундаги **ўн иккинчи ва ўн учинчи хатбоши**лар билан тўлдирилсин:

«агар жамиятнинг йиллик бизнес-режасини тасдиқлаш жамият уставида кузатув кенгашининг ваколат доирасига киритилмаган бўлса ёки акциядорларнинг умумий йиғилиши томонидан кузатув кенгашига топширилмаган бўлса, жамиятнинг йиллик бизнес-режасини маъқуллаш. Бунда жамиятнинг келгуси йилга мўлжалланган бизнес-режаси кузатув кенгаши мажлисида жорий йилнинг 1 декабрдан кенчиктари маъқулланиши лозим; ички аудит хизматини ташкил этиш ва унинг ходимларини тайинлаш»;

ўн иккинчи — йигирма иккинчи хатбошилари тегишинча **ўн тўртинчи — йигирма тўртинчи хатбоши**лар деб ҳисоблансин;

5) куйидаги мазмундаги **110-модда** билан тўлдирилсин:

«110-модда. Ички аудит хизмати

Активларининг баланс қиймати бир миллиард сўмдан кўп бўлган жамиятда ички аудит хизмати

4

Кирқиш чизиги

ташкил этилади. Ички аудит хизмати жамиятнинг кузатув кенгашига ҳисобдордир.

Ички аудит хизмати жамиятнинг ижроия органи, ваколатхоналари ва филиаллари томонидан қонун ҳужжатларига, таъсис ҳужжатлари ва бошқа ҳужжатларга риоя этилишини, бухгалтерия ҳисоби ва молиявий ҳисоботларда маълумотларнинг тўлиқ ҳамда тўғри акс эттирилиши таъминлашнинг, хўжалик операцияларини амалга оширишнинг белгиланган қоидалари ва тартиб-таомилларига риоя этилишини, активларнинг сақлалишини, шунингдек жамиятнинг бошқариш юзасидан қонун ҳужжатларида белгиланган талабларга риоя этилишини текшириш ва бу борада мониторинг олиб бориш орқали жамиятнинг ижроия органи, ваколатхоналари ва филиаллари ишини назорат қилади ҳамда баҳолайди.

Ички аудит хизмати ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан белгиланадиган тартибга мувофиқ амалга оширади»;

6) **111-модда** куйидаги мазмундаги **учинчи қисм** билан тўлдирилсин:

«Устав фондидаги давлат улуши эллик фоиздан кўп бўлган жамиятларда аудиторлик текшируви ўтказиш учун аудиторлик ташкилотини танлаш Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкини бошқариш давлат қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан белгиланадиган рўйхат бўйича танлов асосида амалга оширилади».

3-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1997 йил 24 апрелда қабул қилинган 396-I-сонли Қонуни билан тасдиқланган **Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига** (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1997 йил, 4-5-сонга илова, № 9, 241-модда; 1998 йил, № 3, 38-модда, № 5-6, 102-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 1, 20-модда, № 5, 124-модда, № 9, 229-модда; 2000 йил, № 5-6, 153-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда, № 5, 89-модда, № 9-10, 182-модда; 2002 йил, № 1, 20-модда, № 4-5, 74-модда, № 9, 165-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 5, 67-модда, № 9-10, 149-модда; 2004 йил, № 1-2, 18-модда, № 5, 90-модда, № 9, 171-модда; 2005 йил, № 1, 18-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий

5

Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҚАРОРИ

2007 — 2010 йилларда хусусийлаштириш жараёнларини янада чуқурлаштириш ва хорижий инвестицияларни фаол жалб қилиш чора-тадбирлари тўғрисида

(Давоми. Боши 1-бетда).

ган корхоналарнинг аввал хўжалик бошқаруви органлари (акциядорлик ва холдинг компаниялари) устав жамғармаларига берилган қарорнинг давлат пакетларини сотишдан ташқари маблағларни тақсимлаш бўйича ўрнатилган тартибда тегишли қарор қабул қилинсин.

2.Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2007 йил 20 июлдаги "Иқтисодий тўғрисида"ги қарорнинг стратегик тармоқлари корхоналарини хусусийлаштириш жараёнларини чуқурлаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги ПФ-3897-сонли Фармонида мувофиқ берилган "олтин акция"ни жорий этиш бўйича хуқуқни пахта ниқайта ишлаш ва ёғ-мой саноатининг хусусийлаштири-

ладиган корхоналарига, "Тошкент трактор заводи" ОАЖга нисбатан қўллаш мақсадга мувофиқ деб ҳисоблансин.

Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси ушбу қарорнинг 2-иловасига киритилган корхоналарни хусусийлаштиришда акциядорлик жамиятларини ("олтин акция") бошқаришда давлатнинг иштирок этишига оид махсус хуқуқни қўллаш мақсадга мувофиқлиги тўғрисидаги қарорнинг ўрнатилган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритсин.

3. Белгилансинки: бепул берилган давлат мулки объектлари бўйича мулк ҳуқуқи тўғрисидаги давлат ордери инвесторлар ўз зиммасига олган корхоналарни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш, рақобатбардор мах-

сулот ишлаб чиқаришни ва (ёки) хизматлар кўрсатишни бошлаши кўзда тутовчи инвестиция мажбуриятларини бажарганидан сўнг берилди;

инвесторларнинг корхона ва объектларни хусусийлаштиришда ўз зиммасига олган инвестиция мажбуриятларини белгиланган муддатда бажармаган тақдирда, тузилган олди-сотди шартномалари ўрнатилган тартибда бекор қилинади ва кейинчалик улар ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник ва технологик қайта жиҳозлаш, рақобатбардор, экспорт-боп махсуслот ишлаб чиқариш ёки хизматлар кўрсатиш бўйича аниқ инвестиция мажбуриятларини олиш шарт билан янги хусусий мулкдорларга сотилади.

4. Давлат активларини инвестиция қилиш мажбуриятлари билан сотишда инвесторлар томонидан эркин алмаштирилмаган валютанда пул маблағлари шаклида киритилган инвестициялари корхоналарнинг алоҳида ҳисоб-рақамига ўтказилиши ва мажбурий тарзда сотилмаслигини кўзда тутовчи тартиб жорий этилсин.

5.Давлат тендер комиссияси ва Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитасига аввал қабул қилинган хусусийлаштириш дастурларига мувофиқ сотилган ва инвесторлар томонидан қабул қилинган мажбуриятлар бажарилмаган туфайли олди-сотди шартномаси бекор қилинган давлат активларини савдога тақоран қўйишга руҳсат этилсин.

6.Вазирлар Маҳкамаси (Р.Азимов) мазкур қарорнинг 1- ва 2- иловаларига киритилган корхоналарни хусусийлаштириш якунлари бўйича аниқ инвестиция мажбуриятлари юкланган ҳолда (уларнинг давлат акциялари пакети олди-сотди шартномаси-

да мувофиқ ижро этилиши даврида) потенциал инвесторларга сотилаётган корхоналарнинг бюджетга ва давлат мақсадли жамғармаларига тўловлар бўйича қарзларини реструктуризация қилишни кўриб чиқсин ва улар юзасидан қарорлар қабул қилсин.

7.Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитаси Адлия вазирлиги ва бошқа манфаатдор вазирлик ҳамда идоралар билан биргаликда бир ой муддатда қонунчиликка мазкур қарордан келиб чиқадиган ўзгартириш ва қўшимчалар тўғрисида Вазирлар Маҳкамасига тақлифлар киритсин.

8.Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 10 июлдаги "2006-2008 йилларда давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш жараёнларини чуқурлаштириш тўғрисида"ги ПҚ-407-сонли қарорининг 1- ва 3-иловаларига қўшимча қилинган бўлиши ҳақида қўшимча қарор қабул қилинсин.

9. Мазкур қарор ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикаси Бош вазир Ш.Мирзиёев зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти

И. КАРИМОВ

Тошкент шаҳри, 2007 йил 20 июль

МАМЛАКАТ бўйлаб

«Анор»га олий ўрин

Самарқандда қўша шаҳарнинг 2750 йиллигига бағишланган ашула ва ракс дасталарининг кўрик-фестивали бўлиб ўтди.



«Самарқанд садолари» деб номланган ушбу кўрик-фестивалда Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ҳамда барча вилоятлар ашула ва ракс дасталари жамоалари иштирок этди. Танлов ҳайъати аъзолари Фарғона вилояти Қува тумани «Анор» дастаси чиқишларини олий ўринга муносиб қўрдилар. Пастдаргом туманининг «Даргом тароналари» ва Бойсуннинг «Шаллола» дасталари биринчи ўринни эгалладилар.

Самарқанд шаҳрини мадҳ этувчи «Энг яхши қўшиқ ижроси» номинацияси бўйича бойсунлик хонанда Умиджон Туронов голибликни қўлга киритди.

А.САТТОРОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Муолажа қишлоқнинг ўзид

Қоракўл туманидаги Оқработ қишлоқ врачлик пункти «Саломатлик-2» дастурига мувофиқ янги тиббий жиҳозлар билан таъминланди.

— Замонавий жиҳозлар ташхис тезкорлиги ва сифатини оширади, табиийки, даволанг ҳам интенсив йўлга қўйилади, — дейди пункт ҳамшираси Раъно Назарова. — Эндилда кўз, қўлак, бурун касаллиқларига чалинган беморларнинг туман марказидаги шифохоналарга бориб юришларига ҳолат йўқ. Маълумотларга қўра, туманда фаолият кўрсатаётган қишлоқ врачлик пунктларига ўн етти миллион сўмликка яқин тиббий жиҳозлар тарқатилди.

И. ИБРОҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Спортсеварлар қувончи

Навоий вилоятида жорий йилнинг олти ойида 10 та болалар спорт иншооти қурилиши ниҳоятга етди.

Навоҳор туманидаги болалар спорт мажмуаси ва 9 та мактаб спорт заллари шулар жумласидандир. Ушбу объектларни қуришга бир миллиард 72 миллион сўм маблағ сарфланди.

Кейинги уч йилда вилоят болалар спортини ривожлантириш жамғармасининг 3,2 миллиард сўм маблағи ҳисобидан 31 та спорт иншооти қурилиб, фойдаланишга топширилди.

Ҳ. ЭШОНҚУЛОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

«Бунёдкор ёшлар — 2007»нинг савобли амаллари

Андижондаги олий ўқув юрталарининг 749 нафар талабаси ёзги таътилни «Бунёдкор ёшлар — 2007» меҳнат отрядларида ўтказмоқда.

Шу ўринда Андижон муҳандислик-иқтисодиёт институти талабаларини олиб қўрайлик. 71 нафар талаба ўз хоҳишига қўра, хусусий корхоналар билан шартнома асосида, 40 нафари эса қўша корхоналарда фаолият кўрсатаётди. Ҳар бирининг ойлик иш ҳақи қирқ минг сўмдан кам эмас. Бундан ташқари, улар «Қамолот» ёшлар иқтисодий ҳаракати ташкил этган «Энг яхши меҳнат отряди», «Меҳнат отрядининг энг фаол аъзоси» каби танловларда иштирок этмоқдалар.

О. ШОДНОЛАЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2007 — 2010 йилларда хусусийлаштириш жараёнларини янада чуқурлаштириш ва хорижий инвестицияларни фаол жалб қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорига

ШАРҲ

Мамлакатимизда 1992 йилдан буён корхоналар ва объектларни хусусийлаштириш ишлари бошқариш бўлими асосида олиб борилаётган иқтисодий ислохотларнинг энг муҳим устувори йўналишидир. Мамлакатимизда кўп укладли иқтисодиётнинг шаклланиши натижасида унинг деярли барча соҳаларида хусусий сектор етакчи мақомага эга бўлиб қолди ва ҳозирги кунда янги ички маҳсулотнинг 75 фоиздан кўпроғи унинг ҳиссасига тўғри келади.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Президенти Исом Каримов Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йилда мамлакатни иқтисодий-иқтисодий ривожлантириш йўналиши ва 2007 йилда иқтисодий ислохотларни чуқурлаштириш устувори йўналишига бағишланган мажлисда қилган маръузада таъкидлаганидек, «... биз хусусийлаштиришга нисбатан муносабатимиз ва ёндашуларимизни тубдан

ўзгартиришимиз иқтисодиётнинг кимё, электротехника санаети, қишлоқ хўжалиги машинасозлиги, қурилиш материаллари санаети каби ва бошқа етакчи тармоқлар корхоналарининг акцияларини аукцион (кимощи) савдоларида қўйиш борасида олға томон қатъий қадамлар ташлашимиз зарур...». Республикаимизнинг фонд бозори ва қимматли қўзғалғун бозоридида ишларнинг аҳоли бўйича қатор танқидий фикр-мулоҳазалар билдирилди. Хусусийлаштирилган корхоналардаги корпоратив бошқарув тизимида жиддий нуқсон ва камчиликлар мавжуд.

Хусусийлаштириш соҳасидаги мазкур муаммоларни тубдан ҳал этиш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Президентининг ушбу қарори қабул қилинди ва унда уч йилга йўналтирилган янги Хусусийлаштириш дастури тасдиқланди.

Тасдиқланган Дастурга мувофиқ 2010 йилгача бўлган даврда қуйидагилар назарда тутилди: ношўлаб чиқариш соҳасидаги 994 та корхона ва объектларни очик савдоларда хусусий мулк сифатида тўлиқ сотиш.

Иқтисодиётнинг етакчи тармоқларидаги (кимё, электротехника, қурилиш индустрияси, ёқилиш-энергетика ва бошқа) 363 та корхона ва объектлар бўйича давлат акциялари пакетларини, жумладан назорат пакетларини тендер савдоларида инвесторларга ишлаб чиқаришни модернизация қилиш, техник

ва технологик қайта жиҳозлаш ҳамда рақобатбардор ва экспортбоп махсулотлар ишлаб чиқариш бўйича аниқ инвестиция мажбуриятлари олиш шарт билан сотиш;

фаолият кўрсатмаётган, самарасиз ва қурилиш тўғрисидаги объектларнинг талайгина қисмини ушбу объектларни тўлиқ молиялаш ҳамда корхона ва объектлар фаолиятини қайта тиклаш ва кенгайтириш бўйича инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш юзасидан ўз зиммасига мажбуриятлар олишга тайёр бўлган инвесторларга бепул бериш.

Кимё, электротехника, автомобилсозлик ва самолётсозлик тармоқлари корхоналарини, шунингдек қишлоқ хўжалик машинасозлиги, шойи санаети, тўқимачилик ҳамда алоқа тармоқлари корхоналарини хусусийлаштиришга нисбатан ёндашуларини янада либераллаштириш бўйича қатъий қадамлар қўйилиши, мазкур тармоқларда давлат фақат айрим корхоналардагина ўз улушини сақлаб қолиб, бошқа корхоналарда давлат улушлари тўла-тўқис сотилимоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти мазкур қарорнинг энг муҳим, принципиал қондилари қуйидаги масалаларни ҳал этишдан иборатдир:

а) Давлат тендер комиссиясига бир қанча очик савдолар ўтказилгандан кейин харидор топилмаган корхона ва объектларни аниқ инвестиция мажбуриятларини олиш шарт билан инвесторларга бепул бериш тўғрисида қарор қабул қилинган санадаги миқдори доирасида;

кейинги уч йил мобайнида рентабеллик, тўлов қобилияти, молиявий барқарорлик ва ликвидликнинг аудиторлик ташкилоти хулосалари билан тасдиқланган ижобий кўрсаткичларига эга бўлса, шунингдек қўшма ҳужжатларда белгиланган тартибда муастақл рейтинг баҳосини олган бўлса; инвесторларга тегишли маблағларнинг эмитентлар томонидан тўлашиши бўйича тўлов агентлари вазифаларини бажаруви тижорат банклари иш-тироқида чиқариши мумкин.

Корпоратив облигациялар ўз эгаларига очик акциядорлик жамиятини бошқаришда қатнашиш хуқуқини бермайди.

Корпоратив облигациялар чиқариш тўғрисидаги қарор очик акциядорлик жамиятининг бошқарув органи томонидан ушбу Қонунга ва жамият уставида мувофиқ қабул қилинади ҳамда баённома билан расмийлаштирилади.

Корпоратив облигациялар эмитентларнинг устави фонднинг шакллантириш ва тўлдириш учун, шунингдек эмитентларнинг хўжалик фаолияти билан боғлиқ зарарларнинг ўрнини қоплаш учун чиқаришга йўл қўйилмайди.

Корпоратив облигациялар чиқаришга фақат очик акциядорлик жамиятининг устав фонди тўлиқ тўланганидан кейин йўл қўйилади;

2) 11-модданин учинчи ва тўртинчи қисмларида «корхоналарнинг облигацияларини» деган сўзлар «корпоратив облигацияларни» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

б) инвесторлар томонидан инвестиция мажбуриятлари сифатида киритилган маблағ ва мулк даромад (фойда), иқтисодий инфратузилмани ривожлантириш ва ҳудудларни ободонлаштириш ҳамда қўшилган қиймат солиқларига тортилмайди, хорижий валютадаги қўйилмалар эса мажбурий тарзда сотилимайди;

в) шундай тартиб жорий этилмоқдаки, унга мувофиқ, олди-сотди шартномасида белгиланган инвестиция даври мобайнида инвесторларнинг қўйилмалари хусусийлаштирилган корхонанинг олдинги қарзини қоплаш ҳисоб-рақамига мажбурий тарзда ундириб олинмайди, давлат улуши потенциал инвесторларга сотилаётган корхонанинг бюджетга ва давлат мақсадли жамғармаларига тўловлар бўйича қарзларини реструктуризация қилиниши мумкин. Айни пайтда, инвесторларнинг корхоналарни хусусийлаштириш вақтида қабул қилган мажбуриятларини бажариш учун жавобгарлигини оширишга қаратилган нормалар назарда тутилди;

г) Вазирлар Маҳкамасига инвестиция мажбуриятларини қабул қилган ҳолда (уларнинг олди-сотди шартномасига мувофиқ ижро этилиши даврида) давлат акциялари пакети потенциал инвесторларга сотилаётган корхоналарнинг бюджетга ва давлат мақсадли жамғармаларига тўловлар бўйича

қарзларини реструктуризация қилишни кўриб чиқиш ва улар юзасидан қарорлар қабул қилиш топширилди;

д) тасдиқланган Хусусийлаштириш дастури доирасида пахта ниқайта ишлаш ва ёғ-мой саноатининг хусусийлаштирилган корхоналарига нисбатан «олтин акция»ни жорий этиш кўзда тутилган. Шу билан бир вақтда Ўзбекистон Республикаси Давлат мулки қўмитасига иқтисодиётнинг етакчи, стратегик тармоқларининг бошқа корхоналарни хусусийлаштириш ҳам «олтин акция»ни қўллаш мақсадида мувофиқлиги тўғрисидаги тақлифларни ўрнатилган тартибда Вазирлар Маҳкамасига киритиш топширилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2007-2010 йилларда хусусийлаштириш жараёнларини янада чуқурлаштириш ва хорижий инвестицияларни фаол жалб қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори хусусийлаштириш жараёнларини янада чуқурлаштириш борасидаги ғоят муҳим қадам бўлибгина қолмай, балки мамлакатимиз иқтисодиётида хусусий сектор улушини тубдан оширишга қаратилган иқтисодий ислохотларни изчиллик билан амалга ошириш, Ўзбекистоннинг иқтисодий жиҳатдан юксалиши ва халқро жаҳон хўжалик муносабатларига интеграциялашувиини ғоят муҳим омил сифатида корхоналарни модернизация қилиш ва техник қайта жиҳозлашга хорижий инвестицияларни кенг жалб қилиш йўлидаги стратегик йўналишни ҳам белгилаб беради.

Қирқш чизиги

Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 5, 152-модда, № 9, 310, 311, 312, 313-моддалар, № 12, 415, 416-моддалар; 2006 йил, № 6, 259, 260-моддалар, № 10, 536-модда) қуйидаги ўзгариш ва қўшимчалар киритилсин:

1) 16-модда қуйидаги мазмундаги тўртинчи қисм билан тўлдирилсин:

«Юридик шахс бўлган акциядорнинг ўтган йилларнинг тақсимланмаган фойдасини устав фондини (капиталини) қўлайтириш учун йўналтириш чоғида қўшимча акциялар қиймати ёки акцияларнинг номинал қийматини қўлайтириш тарзида олинган даромадлари (фойдаси) солиқ солиш объекти бўлмайди»;

2) 58-модданин «с» банди «суммалари, шунингдек» деган сўзлардан кейин «ўтган йилларнинг тақсимланмаган фойдасини устав фондини (капиталини) қўлайтириш учун йўналтириш чоғида қўшимча акциялар қиймати ёки акцияларнинг номинал қийматини қўлайтириш тарзида олинган даромадлари» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

3) 71-модда биринчи қисмининг 5-бандидаги «ва сақлаш» деган сўзлар чиқариб ташлансин.

4-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 6 декабрда қабул қилинган «Хўжалик ширкатлари тўғрисида»ги 308-сонли Қонуни (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 йил, № 1, 8-модда) 26-моддасининг учинчи қисми қуйидаги мазмундаги жумла билан тўлдирилсин:

«Устав фондидаги (устав капиталдаги) давлат улуши эллик фоиздан ортқ бўлган ширкатларда аудиторлик текширув ўтказиш учун аудиторлик ташкилотини танлаш Ўзбекистон Республикаси Давлат мулкини бошқариш давлат қўмитаси ва Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги томонидан белгиланмаган рўйхат бўйича танлов асосида амалга оширилади».

5-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 6 декабрда қабул қилинган «Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулияти жамиятлар тўғрисида»ги 310-сонли Қонунига

Қирқш чизиги

аудиторлик ташкилотининг ҳулосаси билан тасдиқланган ўз капиталининг облигациялар чиқариш тўғрисида қарор қабул қилинган санадаги миқдори доирасида;

кейинги уч йил мобайнида рентабеллик, тўлов қобилияти, молиявий барқарорлик ва ликвидликнинг аудиторлик ташкилоти хулосалари билан тасдиқланган ижобий кўрсаткичларига эга бўлса, шунингдек қўшма ҳужжатларда белгиланган тартибда муастақл рейтинг баҳосини олган бўлса; инвесторларга тегишли маблағларнинг эмитентлар томонидан тўлашиши бўйича тўлов агентлари вазифаларини бажаруви тижорат банклари иш-тироқида чиқариши мумкин.

Корпоратив облигациялар ўз эгаларига очик акциядорлик жамиятини бошқаришда қатнашиш хуқуқини бермайди.

Корпоратив облигациялар чиқариш тўғрисидаги қарор очик акциядорлик жамиятининг бошқарув органи томонидан ушбу Қонунга ва жамият уставида мувофиқ қабул қилинади ҳамда баённома билан расмийлаштирилади.

Корпоратив облигациялар эмитентларнинг устави фонднинг шакллантириш ва тўлдириш учун, шунингдек эмитентларнинг хўжалик фаолияти билан боғлиқ зарарларнинг ўрнини қоплаш учун чиқаришга йўл қўйилмайди.

Корпоратив облигациялар чиқаришга фақат очик акциядорлик жамиятининг устав фонди тўлиқ тўланганидан кейин йўл қўйилади;

2) 11-модданин учинчи ва тўртинчи қисмларида «корхоналарнинг облигацияларини» деган сўзлар «корпоратив облигацияларни» деган сўзлар билан алмаштирилсин.

2-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1996 йил 26 апрелда қабул қилинган «Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида»ги 223-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1996 йил, № 5-6, 61-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда; 1998 йил, № 3, 38-модда, № 9, 181-модда; 1999 йил, № 9, 229-модда; 2001 йил, № 1-2, 23-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда, № 9-10, 149-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 4, 154-модда) қуйидаги ўзгариш ва

Қирқш чизиги

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНING ИҚТИСОДИЙ СОҲАДАГИ АЙРИМ ҚОНУН ҲУЖЖАТЛАРИГА ЎЗГАРТИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ТЎҒРИСИДА

Қонунчилик палатаси томонидан 2007 йил 27 февралда қабул қилинган

Сенат томонидан 2007 йил 30 июнда маъқулланган

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 1993 йил 2 сентябрда қабул қилинган «Қимматли қоғозлар ва фонд биржаси тўғрисида»ги 918-ХII-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг Ахборотномаси, 1993 йил, № 9, 325-модда; 1994 йил, № 11-12, 285-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 1995 йил, № 12, 269-модда; 1996 йил, № 5-6, 69-модда, № 9, 144-модда; 1997 йил, № 2, 56-модда; 1999 йил, № 9, 229-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2005 йил, № 9, 311-модда, № 12, 413-модда) қуйидаги ўзгаришлар киритилсин:

1) 5-модда:

иккинчи қисмининг учинчи хатбошидаги «корхоналарнинг облигациялари» деган сўзлар «корпоратив облигациялар» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

бешинчи — тўққизинчи қисмлари қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Корпоратив облигацияларни фақат очик акциядорлик жамиятлари:

Қирқш чизиги

(Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Ахборотномаси, 2002 йил, № 1, 10-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Ахборотномаси, 2006 йил, № 4, 154-модда) қуйидаги ўзгариш ва қўшимчалар киритилсин:

1) 27-модданин иккинчи қисмидаги «облигациялар ҳақини тўлаш» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

2) 28-модда чиқариб ташлансин;

3) 30-модда иккинчи қисмининг: ўн биринчи хатбоши чиқариб ташлансин; ўн иккинчи — ўн олтинчи хатбошилари тегишинча ўн биринчи — ўн бешинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

4) 38-модда иккинчи қисмининг биринчи жумласи қуйидаги тахрирда баён этилсин:

«Жамиятининг уставада жамиятнинг қузатув кенгаши ваколатлари жумласига жамиятнинг ижро этувчи органларини тизми, уларнинг ваколатларини муддатидан тизми тугатиш, ички аудит хизматини ташкил этиш ва унинг ходимларини тайинлаш, ушбу Қонуннинг 44-моддасида назарда тутилган ҳолларда йирик битимлар тузиш тўғрисидаги масалаларни ҳал қилиш, жамият иштирокчиларининг умумий йиғилишига тайёргарлик кўриш, уни қақариш ва ўтказиш билан боғлиқ масалаларни ҳал қилиш, шунингдек ушбу Қонунда назарда тутилган бошқа масалаларни ҳал этиш киритилиши назарда тутилган мумкин»;

5) қуйидаги мазмундаги 45¹-модда билан тўлдирилсин:

«45¹-модда. Ички аудит хизмати

Активларининг баланс қиймати бир миллиард сўмдан ортқ бўлган жамиятда ички аудит хизмати ташкил этилади. Жамиятнинг қузатув кенгаши ички аудит хизматини ташкил этади ва унинг ходимларини тайинлайди. Ички аудит хизмати жамиятнинг қузатув кенгашига ҳисобдордир.

Ички аудит хизмати жамиятнинг ижро этувчи органи, ваколатхоналари ва филиаллари томонидан қонун ҳужжатларига, таъсис ҳужжатлари ва

АДОЛАТ ВА ИНСОНПАРВАРЛИК НАМУНАСИ

(Давоми. Боши 1-бетда).

рини химоя қилиш, унинг шаъни ва кадр-қиммати устуқлигини таъминлаш бора-сиддаги муҳим аҳамиятга молик ишлардан бўлди.

«Улим жаҳоси бекор қилиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги, «Қамоққа олишдаги санкция бериш ҳуқуқи судларга ўтказилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонунларнинг қабул қилиниши эса суд-ҳуқуқ тизимидаги изоҳловларнинг мантикий давоми бўлиб, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари таъминлашнинг қафолатлидир.

Жорий этилаётган тартибга кўра, дейди Ўзбекистон Республикасининг ҳарбий суди судьяси, адлия қўмитаси Рустам Абдуллоев, — 2008 йил 1 январдан эътиборан дастлабки тергов жараёнида қамоққа олиш эҳтиёт чорасини қўллашга санкция бериш ваколати судларга ўтказилди. Суднинг жиноят-процессуал қонунчилигида белгиланган ваколатлари кенгайтирилиб, дастлабки тергов жараёнида қамоққа олиш тартибиди эҳтиёт чорасини қўллаш ёки қамоққа сақлаш мuddатини узайтириш билан боғлиқ илтимоснома, шикоят ва протестларни қўриб чиқиш ҳуқуқи жиноят ишлари бўйича туман-шаҳар судлари ва уларга тенглаштирилган ҳамда апелляция судларига берилди. Ҳеч қим суд қарорига асосланмаган ҳолда ҳибса олиниши ёки қамоққа сақлавиши мумкин эмаслиги қатъий белгилаб қўйилди. Бу инсон манфаатлари ва кадр-қиммати улғунлигини юртимизда адолат ва инсонпарварлик меъзола-рининг янада мустаҳкамла-нишига хизмат қилади.

Семинарда қайд этилган-дек, ушбу қонунларнинг икросини таъминлаш ҳуқуқи муҳофаза қилиш идоралари, жумладан, ҳарбий прокуратура ва ҳарбий суд ҳодим-лари зиммасига катта масъу-лият юкляди. Қўзғин са-воп-жавоб тарзида ўтган тadbирда янги қабул қилинган мақур қонунларни амалиёт-га татбиқ этиш жараёнида вужудга келадиган масала-ларга алоҳида эътибор қара-тилди.

Жасур КЕНГБОВ, ЎА мухбири.

Акс-садо

“Халқ сўзи” газетасининг шу йил 29 март сонида ЎЗР ФА Астрономия институтининг директори Ш.Эгамбердиевнинг “Этирофни беш аср кутган ихтиро» мақоласи эълон қилинган. Унда шу йилнинг февраль ойида америкалик олимлар Питер Лу ва Паул Стейнхартнинг “Сайнс” журналида босилган мақоласида келтирилган, европалик олим Рожер Пенроузнинг XX асрнинг 70-йилларида кашф этган ихтироси, яъни геометрик нақши ҳақида гапирилади. Питер Лу 2005 йилда Ўзбекистонга сайёҳ тарзида келиб, бу ердаги ўрта аср меъморий обидаларини безаб турган нақшлар асосида Пенроуз кашф этган геометрик нақш сир-асрорларига ўхшаш қонуниятлар ётишини айтган.

ҲАНДАСАВИЙ НАҚШЛАР СИРИ

«Этирофни беш аср кутган ихтиро» мақоласини ўқиб...

дасавий ясалиш усуллари ўрта аср ислом муаллифлари томонидан ёзилган “Муқаддима” ва “Ҳандасавий шакллари” нафислиги ҳақидаги маънавий гўзал усуллар” деган китобларда ҳам келтирилган. Муқарнасларни яратишнинг график-тасвирларини XVI аср Бухоро меъморининг Н.Б. Бақланов томонидан топилиб, матбуотда эълон қилинган ва бизгача сақланиб қолган чизма-лойиҳаларида ҳам кўриш мумкин. Ушбу чизмаларда акс эттирилган муқарнасларнинг геометрик ясалиш қонуниятларини ўзбекистонлик олим И.И. Ноткин 1986 йилда ўрганган.

Утмишда бир бинога ишланган ана шундай гирих нақшлар бошқа бинода такорланмаслигига, ҳар сафар янгилари яратилишига амал қилинган. Бу эса номли китобда (2006 йил) ба-тафсил баён қилган.

Нафақат меъморий нақшларнинг ечимлари, балки меъмо-рий ёдгорликларнинг ҳандаса-



... масалага кенгрок қарасак, нафақат Пенроуз яратган ҳандасавий нақш шакллари ечимлари, балки меъморий ёдгорликларимизга хос бўлган, бироқ ҳанузгача фанда очилмаган гўзаллик қонуниятларини кашф қилишимиз мумкин экан.

Ш.Эгамбердиевнинг мақола-сидан маълум бўлишича, Лу ва Стейнхарт барча мусулмон мамлакатларида макбара, мас-жид ва бошқа ишоотларни бе-зашда бешбурчак, олтибурчак, капалакшаси бўйинбоғ, ўнбур-чак ва ромблардан тuzилган геометрик нақшларнинг кенг тарқалганини қайд этган. Форсчада “гирих” деб аталади-ган ушбу мураккаб тугунли ҳан-дасавий нақшлар (русча орна-мент) ҳозирга қадар ҳам замо-навий жамоат билан янада мил-лий нақшлар билан беазада са-марали қўлланиб келинмоқда.

нақош усталарни доимо изла-нишга мажбур этган. Ана шу қатъий меъморий тартиб туфай-ли мусулмон оламида минглаб геометрик нақшларнинг янги турлари ва уларни яратиш би-лан боғлиқ қўллаб иктиролар кашф қилинган. Бирок, ўрта аср ислом дунёсида яратилган бу иктиролар махсус расмийлаш-тирилиб, муҳраб қўйилмаган-лиги ҳаммага маълум. Бундай ишлар ҳозир ҳам қилинмоқда.

Масалан, архитектура академи-ги М.С. Булатов X-XV асрларда Ўрта Осиё меъморлари яратган гирих нақшларнинг яратилиши

қандай геометрик қонуниятлар-га асосланганини ўзининг “Ге-ометрическая гармонизация в архитектуре Средней Азии” кит-обида (1988 й.) аниқлаган. Ушбу соҳада Б.П. Денике, Л.И. Репел ва бошқа олим-лар ҳам китоблар чоп эттир-ган. Гирихларнинг ҳандасавий чизилиш услубларини таниқли халқ устаси Зокирхон Боситхо-нов ҳам ўзининг “Ҳандасавий нақш (гирих)ларнинг ечимлари”

ёзма манбалари билан таққо-лаш усуллари қўлланилди. На-тижада, Муҳаммад Хоразмий, Абу Наср Форобий, Абулвафо Бузжоний, Гибсиддин Жамшид Коший каби қўллаб IX-XV аср муаллифларининг илмий асар-лари бевосита иктимомий таби-ий заруратдан, яъни ҳаётий эҳти-ёжлардан келиб чиқадиган ма-салаларга бағишланганлиги маълум бўлди. Бу изланишлар асосида марҳум олим М.С. Бу-латов меъморий санъатдаги уй-ғунлик архитектурадаги қисмлар ва яхлит шакл муносабатлари-нинг мутаносиблигида, уларнинг тартиби, ўхшашлиги, монандли-ги, симметрияси ва тектоника-сида ифодаланганлигини тўлиқ исботлади.

Биз ҳам юқорида номи кел-тирилган устоз олимлар ишла-рига ва куп йиллик илмий тад-қиқотларимизга асосланиб, ўтмишда гўзалликка эришиш мақсадида қўлланилган қатор кашфиётларни ёхуд меъморий шакллар уйғунлиги ва архитек-туравий мутаносиблик қонуния-тларининг саққиз йўналишини аниқлашга муяссар бўлдик ва уларни соҳа нашрларида чоп эт-тиришни режалаштиряптим.

Аммо шунинг айтиш лозимки, ўрта аср ислом меъморлари ўз ишланмаларини кашфиёт тарзи-да белгилаб қўймаган бўлсалар-да, европалик олим Р. Пенроуз-дан фарқи улпарок, амалиётда ҳам самарали қўллаб билган ва шунинг учун ҳам биз, олимлар уларни ўрганиб, улар қўллаган меъморий гўзаллик қонуният-ларининг сир-асрорларини излаб топишга муяссар бўлмоқдамиз. Қўриб турибмики, масалага кенгрок қарасак, нафақат Пен-роуз яратган ҳандасавий нақш шакллари ечимлари, балки меъморий ёдгорликларимизга хос бўлган, бироқ ҳанузгача фан-да очилмаган гўзаллик қонуния-тларини кашф қилишимиз мум-кин экан.

Буларнинг барчаси, Лу ва Стейнхарт айтганидек, ўрта аср ислом меъморлари яратган гирих нақшлар Пенроуз кашф этган нақшларнинг бир қўри-ниши эмас, балки аксинча, жаноб Пенроуз нақшларининг геометриз нақшларнинг обидаларимиз нақшлари тизимасининг ҳусу-сий бир қўриғидир, ҳолос. На-заримизда, жаноб Пенроуз нақшлариди иктиро меъмо-рий обидаларимизга хос бўлган муқарнаслар тuzилишига яқин келди. Қолган нақшлар ичиди яшириниб ётган гўзаллик сир-лари эса минг бир оламдир! Уларни излаб топиш ва маълум қилиш олимларимизнинг кела-жаддаги вазифасидир.

Ахтам ЎРАЛОВ, меъморчилик фанлари доктори, Самарқанд давлат меъморчилик-қурилиш институтининг профессори.

ЖАҲОН 24 соат ичида

Бош вазир партияси голиб



Туркияда мuddатидан олдин бўлиб ўтган парламент сайлов-ларида амалдаги бош вазир Режеп Тайип Эрдоғанин Ад-олат ва Тартиқёт партияси мам-лакатнинг қонун чиқарувчи органида 48 фоиз ўринни эгал-лади. Шу муносабат билан Ан-қарада ўз тарафдорлари олди-да чиқиш қилган бош вазир унинг партиясига овоз бергани учун сайловчиларга миннат-дорчилик билдирди.

Сайловда 14 партия иштирок этиб, улар томонидан қўрсатилган номзодлар парламентдаги 550 та ўрин учун курашди-лар. Ушбу умумхалқ тadbириди 42 миллион аҳоли қатнашди.

Гаровдагилар тақдири номаълум



Афғонистонда Тolibлар томонидан ўғирлаб кетилган 23 нафар Жанубий корейлик фуқарони озод қилиш учун кенг қўламли амалиётлар давом эттирилмоқда. Гаров-дагилар ушлаб турилган бўлиши мумкин, деб тахмин қилинаётган Газна музофоти мамлакат хавфсизлик қу-лари томонидан ўраб олин-ган. Жанубий Кореяда ту-зилган саққиз кишидан Тolibлар махсус комиссия Тolibлар билан музокаралар ўт-казиш мақсадида Кобулага етиб келди. Афғонистон ҳукумати гаровдагиларни куч ишлатиш орқали эмас, музокара йўли

билан қутқаришга ҳаракат қилмоқда.

Тolibлар 23 нафар корей-ликнинг ҳар бирини ўз жан-гарилари билан алмаштириш ва Жанубий Кореянинг икки юз кишилик қўшинини Афғо-нистондан олиб чиқиш кетиш талабини илгари сурапти.

Хитойда zilzila

Хитой шимоли-ғарбида юз берган zilzila туфайли 2100 та уй буткул вайронга айланди, дея хабар тарқат-ди «Синьхуа» ахборот агентлиги. Хабарда айтилишича, минтақада 8250 киши эвакуация қилинган. Ер силқини-ши Рихтер шкаласи бўйича 5,7 балли ташкил этган. Дастлабки маълумотларга қараганда қурбонлар йўқ.

Мажбурий қўниш

«Jetstar» авиакомпания-сига қарашли йўловчи са-молети Индонезиянинг Бали оролидаги «Денсапар» аэропортига фавуқолда қўнишга мажбур бўлди. Унинг бортида 302 йўловчи бор эди. Ушбу лайнер

Бангкок — Мельбурн йўна-лиши бўйлаб қатновни амалга ошираётганда, са-молет давигателаридан бири ишламай қолган. Манбада йўловчиларнинг барчаси соғ-омон эканли-ги айтилган.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

Advertisement for Samsung Electronics featuring the text "Samsung Electronics": харидоргир янги маҳсулотлар. It includes an image of a man speaking at a podium with the Samsung logo.

Advertisement for "Ўзметкомбинат" АИЧБ featuring the text "Ўзметкомбинат" АИЧБ. Тўлиқ технологик циклди рангли металллар ишлаб чиқариш корхонасида қуйидаги маҳсулотлар тайёрланади: Мис лента, тунука (лист) ва металл тилим (полоса). It includes images of metal sheets and coils.

Спорт • Sport • Спорт • Sport • Спорт



Якшанба куни барчамиз терма жамоамизнинг Саудия Арабистони футболчилари билан учрашувини сабрсизлик билан кутдик.

Осиё кубогининг гуруҳ босқичи сўнгги турида Хитой терма жамоаси билан учрашувда йигитларимиз нима-ларга қодир эканликларини намойиш этишганди. Агар кейинги ўйинда ҳам шундай уюшқоқлик кўрсатилса, галаба нақд, деган тахминлар айтилганди.



АЖОЙИБ ЎЙИН, АРМОНЛИ ЯКУН

Ярим финал йўлланмаси учун Саудия Арабистони билан бўлган беллашувда жуда кўп кўрсаткичлар бўйича рақиблардан устунлик қилдик. Тўғри кўпроқ ушлаб туриш, дарвоза томон берилган зарбалар сони бўйича ҳам йигитларимизнинг кучлилиги яққол сезилиб турди. Аммо ҳисоб — 1:2 Саудия Арабистони фойдасига ҳал бўлди.

— Бундай юқори даражадаги ўйинлар доимо оғир кечада ва кутилмаган натижаларни тақдим этади. Лекин бугун омад рақиб томонда бўлди. Биринчи бўлимда Максим Шаақчи томонидан киритилган голни ҳакам ҳисобга олмади. Энди хатога йўл қўйган ҳакамларни айбланишнинг фойдаси йўқ. Бу борада мутахассису мутаассадилар фикрини айтишар. Асосийси,



Шоғирдларим жуда ажойиб футбол намойиш этишди. Буни ишқибозлар тўғри тушунишди, деб ўйлайман. Лекин якуний натижа...

— Осиё қитъасининг барча минтақаларида футболнинг бир текис ривожланиб бораётгани сезилмоқда. — дейди футбол шарҳловчиси Норбек

Нийёзов. — Агар шу тахлитда ўшиш давом этса, яна бешолти йилдан сўнг Осиё футбол боли жаҳонда етакчига айланиши турган гап. Тақдослаганда Ўзбекистон миллий терма жамоаси ҳам ўтган чемпионатларга нисбатан анча яхши ўйин кўрсатди. Гарчи чорак финалда ўтказган бўлса-да, шундай фикрлашга асос бор. Рақиблар дарвозаси тўрт ўйинда 10 марта ишғол қилинди. Умуман олганда, кўнгликни қонқитарадиган рақамлар бўлар.

Тўғриси айтганда, Осиё кубогига йигитларимиз ёмон иштирок этди, деб айтолмаймиз. Хар бир ўйинда ҳақиқатларимизда галабага бўлган иштиёқ яққол сезилиб турди. Хитой билан ўйинда омад биз томонда эди. Бу ўйинда эса омад Саудия Арабистонига қўлиб боқди. Қолаверса, ҳозир миллий терма жамоамизда авлодлар алмашишуви жараё-

ни давом этаяпти. Қосимов, Фёдоров, Ашуртов сингари тахрибали футболчиларимиз бугун терма жамоа сафида йўқ. Аммо кўнглимизда терма жамоамизнинг эртанги кунига ишонч ўқунлари пайдо бўлди. Осиё кубогига тўп сурган Исом Иномов, Азиз Ибрагимов, Хайрулла Каримов, Азизбек Хайдаров, Павел Соломин, Виталий Денисовлар ўзларининг чиройли ўйинлари билан мутахассислар назарига тушишди. Демак, футболимизда янги юлдузлар пайдо бўлаёпти. Улар Пекин Олимпиадаси ва навбатдаги жаҳон чемпионати йўлланмаси учун кечадиган саралаш баҳсларида ўз сўзини айтишига ишонамиз.

25 июль куни бўлидиган ярим финал учрашувларида Япония — Саудия Арабистони, Ироқ — Жанубий Корея терма жамоалари майдонга тушади.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ, "Халқ сўзи" мухбири.

БАРЧА КРЕДИТОРЛАР ДИҚҚАТИГА!

Наманган вилояти Хўжалик судининг 2007 йил 3 июлдаги 16-0504-2184-сонли ҳал қилув қарори билан банкрот деб топилган

НАМАНГАН ШАҲРИДАГИ «КАРБОНАМ» ОАЖ
кредиторларининг 1-йиғилиши 2007 йил 26 июль куни соат 14.00 да жамият биносига ўтказилади.

Кун тартиби:

1. Вилоят Хўжалик судининг «Карбонам» очик акциядорлик жамиятини банкрот деб топган 2007 йил 3 июлдаги 16-0504-2184-сонли ҳал қилув қарори билан кредиторларни таништириш.
2. Банкрот корхонада тугатиш ишлари бориши тўғрисида суд бошқарувчисининг ҳисоботи.
3. Банкрот корхонани тугатиш режаси, тугатиш даври, харажатлар сметаси ва шатлар жадвалини тасдиқлаш.
4. Корхонанинг инвентаризация якуни, дебиторлик қарзлари ундирилиши ва кредиторлар реестри тўғрисида.
5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2007 йил 27 июндаги 324-ф-сонли Фармойиши талабидан келиб чиқиб, банкрот «Карбонам» очик акциядорлик жамияти мол-мулкларини «Наманган баҳолаш ва консалтинг маркази» томонидан мажмуа сифатида баҳолаш хулосасини қўриб чиқиб ҳамда савдога чиқариш тўғрисида; - ер майдони билан маҳаллий ҳокимият тасарруфига ўтадиган қўриқ-тўғрисида; - «Ўзбекнефтегаз» миллий холдинг компаниясига КМЦ ва ГШР ишлаб чиқаришга оид бино-иншоотларни сотиш; - қолган мол-мулкларни сотиш.
6. Кредиторларнинг талабларини амалдаги қонунчилик асосида қондириш тўғрисида.
7. Аудитор талловини ўтказиш ҳақида.

Маъмур йиғилишда шахсан ўзингиз ёки ишончли вакилингиз ишончнома ва шахсни тасдиқловчи ҳужжат билан иштирок этиши сўралади.

ДАВЛАТ, ХУСУСИЙ ҲАМДА МУЛКЧИЛИК ШАКЛИ ТУРЛИЧА БЎЛГАН КОРХОНАЛАР РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

ТАШКИЛОТ ТАНЛОВ (КОНКУРС) АСОСИДА ҚЎЙИДАГИ МАҲСУЛОТЛАРНИ ХАРИД ҚИЛАДИ:

- Видеопроекторлар.
- Рақамли фотоаппаратлар.
- Паспорт ва виза ҳужжатларига фотосуратларни ёпиштириш учун иссиқликка чидамли махсус елим.

Тақлифлар 2007 йил 10 августгача қабул қилинади.

Тижорат тақлифлари (ишлаб чиқарувчининг номланиши ва нарх кўрсаткичлари кўрсатилган ҳолда) эълон чоп этилгандан кейин хар кун (шанба ва якшанбадан ташқари) соат 9.00 дан 18.00 гача қўйидаги манзилда қабул қилинади:

100070, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент ш., Ш.Руставели 1-берк к., 1-уй.

Маълумот ва техник ҳужжатларни олиш учун хар кун соат 9.00 дан 18.00 гача юқорида кўрсатилган манзилга ёки қўйидаги телефонлар орқали мурожаат қилиш мумкин: 8 10 998 (371) 152-30-36, 136-27-82. Факс: 8 10 998 (371) 361-43-73. E-mail: umtvs@uzpak.uz

«Крокус Газ Сервис» ҚК
(Чкалов номли ТАИЧБ ДАБ)

«Газсервис» ЕАЖ ва «Сигнал» ЕАЖнинг Ўзбекистон ҳудудидagi расмий вакили бўлиб, турли русум ва катталикдаги қозонларни тақриф этади:

- горелка ўрнатилган, газда ишлайдиган иситиш ва сув иситиш қозонлари (200 кВт ва 400 кВт);
- буғ қозонлари (соатига 500 кг.дан 4000 кг.гача);
- икки йўналишли (каналли) сув иситиш қозонлари (100 кВт ва 200 кВт);
- ерга ўрнатиладиган, иссиқликни алмаштирувчи найсимон қозонлар (7 кВт дан 16 кВт гача);
- ерга ўрнатиладиган, иссиқликни алмаштирувчи пластинкасимон қозонлар (20 кВт дан 100 кВт гача);
- ерга ўрнатиладиган, иссиқликни алмаштирувчи икки контурли пластинкасимон қозонлар (10 кВт дан 40 кВт гача).

Қозонлар «Ўзстандарт» агентлигининг сертификатига эга. Барча қозонлар учун кафолат — 24 ой.

Кўргазмалар ва сервис марказлари манзиллари:

1. Тошкент ш., «Миробод» (собик «Госпиталь») бозори, саноат моллари қаторидаги 1-дўкон. Тел.: 306-40-39, 133-44-73.
2. Тошкент ш., С. Азимов ва «Ўзбекистон овози» кўчалари кесиган жойда (Мўлжал: Шастри ҳайкали, эски ҳайвонот боғи). Тел./факс: 132-21-22, 176-77-34.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚИШЛОҚ ВА СУВ ХЎЖАЛИГИ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА МЕЛИОРАЦИЯ ИНСТИТУТИ

2007-2008 ЎҚУВ ЙИЛИ УЧУН ҚЎЙИДАГИ МАГИСТРАТУРА МУТАХАССИСЛИКЛАРИ БЎЙИЧА ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

тармоқлар иқтисодиёти (тармоқлар ва соҳалар бўйича); менежмент (соҳалар бўйича); бухгалтерия ҳисоби (тармоқлар бўйича); электр таъминоти (тармоқлар бўйича); машиналар ва механизмлар назарияси; гидравлик машиналар ва гидроневмоагрегатлар, технологик жараёнлар ва ишлаб чиқаришни автоматлаштириш (тармоқлар бўйича); гидротехника иншоотлари; селга қарши ва ўзан ростлаш иншоотлари; фермер хўжалигида сервис хизмати кўрсатиш; ер тузиш ва ер кадастри; ГЭС биноси ва иншоотлари; гидромелиорация; мелиорация, рекултивация ва ерлар муҳофазаси; сув ресурслари муҳофазаси ва комплекс фойдаланиш; мелиорация ва сугорма деҳқончилиги; гидротехника ва мелиорация қурилиши; сув кадастри; гидромелиоратив тизимлардан фойдаланиш; гидромелиоратив ишларини механизациялаш; ёнилғи-мойлаш материалларини сақлаш ва ташиш, қўйиш воситаларини таъмирлаш ва улардан фойдаланиш; атроф-муҳит муҳофазаси (тармоқлар бўйича); атроф-муҳит муҳофазаси (геоахборот тизимлари).

Голландиянинг Вагенинген университети билан ҳамкорликда ташкил қилинган атроф-муҳит муҳофазаси (геоахборот тизимлари) халқаро магистратура мутахассислиги бўйича ҳужжат топшираётган номзодлар учун қўйидаги талаблар қўйилади: инглиз тилини билиш даражаси — IELTS умумий 6.0 баллдан; TOEFL: ёзма асосда 550 баллдан; компьютер асосда 213 баллдан; интернет асосда 79-80 баллдан; Кембридж чуқурлаштирилган инглиз тили сертификати (CAE) С даражасидан ўтган; биринчи Кембридж сертификати (FCE) В/С даражасидан ўтган бўлиши керак. Сертификатга эга бўлмаган номзодлар учун инглиз тилидан тестлар ўтказилади.

Номзодлар 24-25 июль кунлари атроф-муҳит муҳофазаси (геоахборот тизимлари) бўйича эркин мавзуда инглиз тилида маъруза тақдим қилади ва сўбатдан ўтказилади. Юқорида қайд этилган босқичлардан ўтган номзодлар 1 августда Давлат кириш имтиҳонлардан ўтказилади.

Институт қабул комиссиясига қўйидаги ҳужжатлар топширилади:

- магистратура мутахассислиги кўрсатилган ҳолда олий таълим муассасаси ректорининг номига ариза;
- олий маълумот тўғрисидаги ҳужжатнинг асл нусхаси ҳамда унинг иловаси;
- 3,5x4,5 см. ўлчамдаги 6 дона фотосурат;
- 086-У шаклидаги тиббий маълумотнома;
- паспорт нусхаси.

Қабул комиссиясига паспорт ва ҳарбий хизматга алоқадорлиги ҳақидаги ҳужжат шахсан кўрсатилади. Ҳужжатлар 2007 йил 30 июлгача соат 8.30 дан 17.30 гача қабул қилинади.

Атроф-муҳит муҳофазаси (геоахборот тизимлари) мутахассислиги бўйича тўлиқ маълумотларни қўйидаги электрон манзилга ёки телефон рақамларига қўнғироқ қилиб олиш мумкин:
kalandarovruslan@yahoo.com, cc: ailimpolatov@mail.ru, ewa.wietsma@wur.nl, 137-19-34, 137-09-58.

Манзил: 100000, Тошкент шаҳри, Кори-Нийезий кўчаси, 39-уй, Тошкент ирригация ва мелиорация институти (ТИМИ). e-mail: tiag_info@edu.uz; website: www.tiim.uz
Мўлжал: метронинг «Хамид Олимжон» бекати. Телефонлар: (8-371) 137-09-75, 137-19-61.

ГАЗ РУСУМЛИ АВТОМОБИЛЛАР

Ўзбекистондаги расмий эксклюзив дистрибьютор **AVTODOM PLUS**

ТАШКИЛОТ КЕНГ ТУРДАГИ «ГАЗ» РУСУМЛИ АВТОМОБИЛЛАРНИ ТАҚЛИФ ЭТАДИ

- «Волга» автомобиллари;
- 6-15 ўриндиқли микроавтобуслар;
- 3-7 ўриндиқли металл билан қопланган (цельнометаллические) фургонлар, юк кўтариши — 0,8 тн.; - 1,5-4,5 тн. юк кўтарадиган юк машиналари.

ШУНИНГДЕК, МАХСУС ТЕХНИКАЛАРНИ ЕТКАЗИБ БЕРИШ УЧУН БУЙОРТМАЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ:

ТЕЗ ЁРДАМ МАШИНАЛАРИ: «Волга», «Газель», «Соболь». ЮК МАШИНАЛАРИ: озик-овқат, саноат моллари ва нон ташийдиган, изотермик, вакуумли ассенизаторлар, автогидрокўтаргичлар, автостақоналар, бурғулаш (буровые), чқинди ташийдиган, мобил билбордлар, автовакуаторлар. АВТОЦИСТЕРНАЛАР: сут ташийдиган, ёнилғи ташийдиган, самосваллар.

КРЕДИТ ВА ЛИЗИНГГА

700015, Ўзбекистон Республикаси, Тошкент ш., «Шахрисабз» к., 16-«А» уй.
Тел./факс: (998-71) 132-16-38, 132-10-35, 132-03-62. Тезкор мулоқот линияси телефонлари: 126-12-94, 126-25-42. E-mail: info@auto.uz web-site: www.auto.uz

Халқ сўзи
Народное слово

Бош муҳаррир **Ўткир РАҲМАТОВ**

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган.
Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 656. 25266 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

Телефонлар:
Газетхоналар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55;
Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Газета тахририят компьютер марказида терьялди ва операторлар Жамшед Тоғев ва Муҳаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

Манзил: 100000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов. Навбатчи муҳаррир — У. Файзиёва. Навбатчи — А. Самалов. Мусаввир — М. Ёкубова.

«Шарқ» наشريят-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буёқ Турон» кўчаси, 41. ҲА якуни — 21.20 Топширилди — 22.40 1 2 3 4 6